Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Узбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 37 (21. 156) 1992 йил 21 февраль, жума ● Баҳоси 60 тийин.

Ўзбекистон Президенти И. А. КАРИМОВ:

«...Наврўз айёми баҳор келиши, табиат уйғониши, гўзалликнинг очилиши демакдир.

Бу кун ҳар бир шахс, ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орзу-ниятларини, умидларини дўстлари, биродарлари билан баҳам кўрадиган кун».

НАВРЎЗ — БАХТ - САОДАТ, ТИНЧЛИК ВА БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси бир гуруҳ меҳнат ва уруш фахрийлари, йигит - қизлари, Халқ демократик партияси фаолларининг жумҳурият барча фуқароларига

МУРОЖААТИ

Азиз дўстлар!

Наврўз арафасида кириб келаётган Янги йилингиз билан Сизларни муборакбод этамиз!

Гўзаллик, мурувват, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатга чорловчи Наврўз байрамига саноқли кунлар қоляпти. Биз бу йилги шодиёнани илк бор республикамиз мустақилликка эришган, юзлаб давлатлар билан қўл олишиб, улар билан иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатларни йўлга қўяётган бир вазиятда кутиб олмоқдамиз.

Республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг ҳалол меҳнатимизга боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Иқтисодиётимиз танг аҳволда бўлса-да, республикамиз корхоналарида, қурилиш майдонларида, давлат ва жамоа хўжаликларида баҳамжиҳатлик билан меҳнат қилаётган, эртамизнинг янада яхши бўлишига ундаётган ва шунга интилаётган фидойи, мард меҳнаткаш халқимиз билан фахрланамиз.

Республикамиз Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, халқимиз буюк Наврўз айёмини бир-биримизга энг пок, энг тоза ниятларимизни билдирадиган, кўнгилни кўтарадиган, муҳаббат ва садоқатимизни аямайдиган байрам деб билади.

Шундай экан, бу йилги Наврўзнинг, рамазон ойига тўғри келиши гўё табиатимизнинг ажойиб донолигини кўрсатгандай.

Рамазон аслида қунт билан покланишдир. Наврўз ҳам одамзод туйғуларининг, ниятларининг тозаланиши, поклanишидир.

Наврўз байрамининг ғоят қадимий эканлиги ўнлаб, юзлаб тарихий китоблар ва рисолаларда қайд этилган. Биз ана шу анъаналарни давом эттиришга ва янада бойитишга ҳақлимиз. Бунинг учун Наврўзи олам шодиёналарини ўтказишга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўришимиз зарур. Халқимизнинг умуминсоний қадриятлари, миллий анъаналари, меросимизни чуқур ўрганиш талаб этилаётир. Жойларда байрамолди турли ташаббус ва тадбирлар белгиланяпти. Кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ойликлари ва ҳафталикларини ўтказиш, халққа хизмат қиладиган, бахт тўйлари ўтказиладиган биноларнинг пойдеворига ғишт қўйиш, бу ҳашарларда ҳамманинг иштирок этишини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Наврўз — яратувчилик, меҳнат байрамидир. Республикамиз пахтакорлари, пиллачилари бу йилги ҳосил учун пухта тараддуд кўрадилар. Худди шу кезлари қадимда қўшлар далага олиб чиқилган, дастлабки уруғлар сепилган. Барака уруғлари янги йилнинг баракасини берсин, деганлари ҳам шунда.

Байрамга ҳозирлик кўриш дамларида хиёбонлар, кўчалар, майдонларни супуриб, уй-жойларимизни тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериш, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш, янги-янги боғлар яратиш ҳар биримизнинг бурчимизга айлансин. Бу билан азалий удумларимизни давом эттирган бўламиз.

Бозор иқтисодиёти натижасида халқимиз оғир дамларни бошидан кечираётир. Бунинг устига қонун бузишлар, жиноий ишлар бўлаётганлиги ҳам бежиз эмас, Сиз билан биз бундай ишларнинг олдини олиш учун доимий кураш олиб бормоғимиз зарур. Шу билан бирга биз Наврўз арафасида Ўзбекистон Савдо вазирлиги, «Ўзбекбирлашув» мутасадди раҳбарлари керакли маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беради, деган умиддамиз.

Муҳтарам ота-оналар! Меҳрибон мураббийлар!

Наврўз анъаналари — халқ одобномаси ҳамдир. Бу байрам меҳнат, ҳунар-касб, ҳамкорлик, биродарлик, инсонийлик, билимдонлик, зукколик, юртсеварлик, яхшилик, ҳалоллик, меҳр-оқибат байрамидир. Шу билан бирга у паррандалар ва даррандаларга, замин, сув, табиатга муносабат, инсонга муҳаббат каби умумбашарий қадриятлар асосига қурилганлигини яхши биламиз. Сиз билан биз Наврўзнинг одобномасини фарзандларимиз онгига сингдириш учун интилайлик, уларнинг мурғак қалбларида меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, оқибат ва изланиш туйғуларини уйғотайлик. Бугун камол топаётган, мактабда ва билим юртларида таҳсил олаётган фарзандларимиз истиқлол йўлидан дадил бораётган республикамизнинг келажаги, ишончли кишиларидир. Биз уларни ҳар томонлама камол топишга, эътиқодли, садоқатли ва билимдон бўлишга йўллашимиз зарур.

Барча халқлар сингари ўзбеклар ҳам Наврўзни қадим замонлардан буён янги йилнинг бошланиши деб қувонч билан қарши олганлар. Наврўз байрамининг бошланишидан бир неча кун илгари тайёргарлик кўрилган. Одатда Наврўз байрамидан 15 кун олдин бугдой ёки арпани ундиришга қўйилган, унинг майсасидан байрам кунлари сумалак қилинган. Биз ҳозирдан байрам шодиёналари ўтказишнинг тадбирларини аниқ режалаб олайлик. Лаззатли таомлар тайёрлайдиган ошпазлар, новвойлар, қандолатчилар мусобақаларини ўтказайлик, шифобахш гиёҳлардан турли таомлар пиширайлик. Дошқозонларда қайнайдиган сумалак ва халимлар минг бир хил дардга даводир.

Йигит-қизларимиз Наврўз байрамини кечаси билан ухламасдан эртак ва ҳикоялар айтишиб, ўйин-кулги билан кутиб олишсин. Истироҳат боғларида турли оммавий ўйин-кулгилар, байрамлар, мусобақалар, мушоаралар беллашувларнинг янада қизиқарли ўтишига бош-қош бўлайлик. Таниқли ва истеъдодли хонандалар, созандалар ва раққосаларнинг чиқишлари, адиб ва шоирларнинг дил сўҳбатлари, бахшиларнинг ўланлари меҳнаткаш халқимизнинг кайфиятини кўтарсин, завқ-шавқ ато этсин, янгиланиш, изланишга ундасин.

Савоб, хайрия, меҳр-мурувват ишлари — саодатга элтувчи йўллардир. Наврўз арафасида ва байрам кунлари «Меҳр-шафқат ва хотира» кунини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Марҳумларнинг руҳини шод этиш, ҳашарлар йўли билан қабристонларни, тарих ва маданият ёдгорликларини ободонлаштирайлик. Қариялар, мажруҳ ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олайлик, ночор оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатайлик.

Бошга оғир ташвишлар тушганда ҳамма вақт бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорликда бартараф этиб келганмиз. Наврўз кунлари одамлар орасида ихтилофлар бутунлай унутилган, гина-кудуратлардан асорат қолмаган. Қайси бир миллатга, динга эътиқод қўймасин ҳамманинг дили соф, эътиқоди мустаҳкам, дўстга ғамхўр, садоқадли бўлган. Бу халқлар дўстлигининг ёрқин далилидир.

Наврўз бахт-саодат, тинчлик ва бирдамлик байрамидир. Уни қизиқарли ва таъсирчан, ёрқин ва тантанавор, дарвимиз руҳига ҳамоҳанг қилиб ўтказиш сиз билан бизларнинг фаолиятимизга, ташаббускорлигимизга ва ишчанлигимизга боғлиқ.

Муҳтарам меҳнат фахрийлари, отажонлар, онахонлар! Сизларнинг ҳар бирингиз улкан меҳнат тажрибасига эгасизлар! Меҳрибон ва мўътабар мураббийлар билан ҳамкорликда ёшларнинг байрам шодиёнасини ўтказишда ҳозирданоқ қизғин тайёргарлик кўришларингизга ишонамиз! Ҳар биримизнинг ҳалол меҳнатимиз янги кунларга, яхши кунларга етказсин! Миллий байрамимиз Наврўз мустақиллик йўлида дадил олға бораётган, ҳорижий мамлакатларнинг меҳр-муҳаббатини қозонаётган Ўзбекистонимиз ҳаётида ёрқин саҳифа очаверсин!

Н. А. МУҲИТДИНОВ — меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикаси тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятининг раиси; Зайниддин ҳожи ФАХРИДДИН ўғли — меҳнат фахрийси, фахрий академик, халқ мўъжизакори; С. МУҲАММАДЖОНОВ — Тошкент районидаги М. Фозилов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати; Ҳ. АБДУРАИМОВ — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби; Р. РАҲМОНОВ — «Ўзбекистон овози» рўзномаси бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати; С. КАМОЛОВ—Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги (Қорақалпоғистон Республикаси); Э. РЎЗИЕВ — Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгашининг биринчи котиби; В. И. СИГЕДИН — Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори; М. ШЕРБУТАЕВ — Қува районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси; А. П. ХЛЕБУШКИНА — Тошкентдаги 22-болалар уйи директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати; Ф. НУРИДДИНОВ — Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, меҳнат фахрийси; Б. РАҲМОНОВ — Балиқчи район Кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати; Ҳаким НАЗИР — Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси; Т. ИСОҚОВА — Халқ демократик партияси Бўз район кенгаши биринчи котиби; Ш. ТЕМУРОВ—Тошкент шаҳар Кенгаши маҳалла ва уй қўмиталари билан ишлаш доимий қўмитаси раиси; Мирза КАРИМ — ёзувчи; А. ҚАРШИЕВ — Ленин йўли районидаги «Истара» давлат хўжалиги бригада бошлиғи; Г. БОБОБЕКОВА — Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисод кулliёти талабаси; Д. АБДУАЗИМОВА — 1-Тошкент тиббиёт олийгоҳи талабаси.

Мустақил Ўзбекистон давлати билан АҚШ ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди

ЭЛЧИХОНАЛАР 15 МАРТГАЧА ОЧИЛАДИ

ВАШИНГТОН, 20 февраль. (РАТА — ТАСС). Чоршанба куни Оқ уй яна тўртта собиқ совет республикаси — Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатишга қарор берганини маълум қилди. Оқ уйнинг баёнотида таъкидланишича, мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган шу мамлакатларда АҚШ элчихоналарини 15 мартгача очиш мўлжалланмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан ҳар бири билан муносабатларни ривожлантириш даражаси уларнинг демократияга, инсон ҳуқуқларига, эркин бозорларга ва қурол-яроғлар устидан назоратга содиқлигига боғлиқ эканлиги Оқ уйнинг баёнотида таъкидлаб ўтилган.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ТАЙИНЛАНДИ

Андижон шаҳрида халқ нойиблари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади. У Президентлик умумхалқ сайловида фаоллик кўрсатганлиги учун андижонликларга миннатдорчилик изҳор этди.

Республика Президенти ҳозир жумҳуриятимиз оғир даврни бошидан кечираётганини таъкидлади. Ана шу мушкул даврда саросимага берилмаслик, сабр-тоқатли бўлиш, халққа суянган ҳолда қийинчиликларни бартараф этиш, ҳамма жойда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, тинчлик, осойишталикни сақлаш масалаларига атрофлича тўхталди.

— Ўзбекистон кутилмаган ютуққа эришди, — деди Президент И. А. Каримов, — 28 февралда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб киради. Ўзбекистонни 94 та мамлакат тан олди ва сиёсий-иқтисодий алоқа ўрнатишга розилик берди.

Ўзбекистон мустақил давлатга айлангандан кейин халқ нойиблари вилоят Кенгашлари билан ижрокомлар орасида амал талашиш, қўш ҳокимлик кучайиб кетди, — деди И. А. Каримов сўзини давом эттириб. — Оилада битта одам бош бўлиши керак. Вилоятда ҳам худди шундай. Давр талабидан келиб чиқиб вилоят ҳокимларини тайинлай бошладик.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг тавсиясига биноан илгари халқ нойиблари вилоят Кенгашининг раиси бўлиб ишлаган Қ. Ҳ. Ҳолмирзаев Андижон вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Қаюм Ҳолмирзаевни андижонликлар яхши танийдилар. У Жалолқудуқ районида туғилган. Олий маълумот олгач узоқ йиллар Тошкент вилоятида давлат хўжалигининг директори, район партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган. Кейинги йилларда эса Андижонга келиб, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ нойиблари вилоят Кенгашининг раиси вазифаларида хизмат қилди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди.

А. ҚУРОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сауд ал Файсал ал Сауд Ўзбекистонда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАБУЛИДА

19 февраль куни кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов республикамизга ташриф буюрган Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, Шаҳзода Сауд ал Файсал ал Саудни қабул қилди.

Суҳбат чоғида И. А. Каримов саудиялик меҳмонни Ўзбекистондаги бугунги сиёсий ва иқтисодий вазият билан батафсил таништирди. Республикамиз, — деди жумладан Президент, — мустақиллик йўлидан дадил қадамлар ташлаяпти. Бизни ер юзидаги 94 та давлат тан олди. Биз бир қатор мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатяпмиз. Яқинда Ҳиндистон, Туркия, Швейцарияга бориб келдик. Ўзбекистонга ҳам ўз навбатида қатор давлатларнинг ҳукумат делегациялари ташриф буюришди. Ўтган ҳафтада АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер Тошкент ва Самарқандда бўлди. Италия, АҚШ, Швейцария, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатларнинг ишбилармонлари билан дўстона ҳамкорлик ўрнатганмиз. Айни пайтда Ўзбекистонда 1100 та қўшма корхона унумли фаолият кўрсатаётир.

Аммо, минг афсуски, деб таъкидлади И. А. Каримов, ҳозирча Саудия Арабистони билан алоқамизни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бунинг эса, очиқ айтиш керак, маълум сабаблари бор: шу пайтгача сизларни бизга нуқул ёмонлаб келишарди, ўз навбатида сизларда ҳам биз ҳақимизда ёлғон-яшиқ гаплар тарқатишган. Бу — ҳар иккала давлат ўртасига низо солиш учун қилинарди, албатта. Мана энди орамизга ҳеч ким нифоқ сололмайди, энди Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида мустаҳкам биродарлик алоқалари ўрнатилади, деб ишонаман. Сизнинг ташрифингизни ана шу жабҳадаги илк қадам деб ҳисоблайман. Насиб этса, биз ҳам юртингизга бориб, халқингиз билан, сизларда амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқиндан танишишга муяссар бўламиз.

Ҳозир республикамизда иқтисодий аҳвол оғир. Бу — ўша узоқ йиллар давомидаги қарамликнинг оқибати. Аммо танг вазиятдан қутилиш учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд: табиий бойликларимиз беҳисоб, одамларимиз меҳнаткаш. Бунинг учун вақт ва хориждаги биродарларимизнинг кўмагиям зарур. Ишонаманки, бунда Саудия Арабистони ҳам ёрдамини аямайди.



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Сўнгра И. А. Каримов бир қатор соҳалар, жумладан, молия-кредит, соғлиқни сақлаш, туризм бўйича ҳамкорлик қилиш, Тошкент—Жидда ҳаво йўлини ишга тушириш ва ниҳоят, элчихоналар очиш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистонга хуш келибсизлар! Сизларни хорижий мамлакатнинг расмий делегацияси аъзолари эмас, балки ўз қардошларимиз, дўстларимиз, деб ҳисоблайман, деди суҳбат сўнггида республика Президенти.

Сауд ал Файсал, аввало, Ўзбекистон Президентига Саудия Арабистони қироли Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Сауднинг самимий саломини етказди. Ҳозир сизлар туб бурилиш даврини бошдан кечиряпсизлар ва, табиийки, ушбу жараён қийинчиликларсиз бўлмайди. Аммо энг асосийси шундаки, Ўзбекистон энди мустақил. Муаммоларингизни ҳал этишда эса Саудия ҳам ҳисса қўшолса, биз ўзимизни беҳад бахтиёр ҳис этардик. Ишонаманки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкам боғланади, Ўзбекистон тез фурсатда фаровонлик тимсолига айланиб қолади.

Сауд ал Файсал Ўзбекистон Республикаси Президентига Саудия Арабистони қиролининг мактубини ва расмий таклифини ҳамда эсдалик совғасини топширди. И. А. Каримов ҳам меҳмонга совға ҳадя этди, ундан Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Сауд ҳазрати олийларига ташаккур етказишни сўради.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, республика ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитети раиси Ў. Т. Султонов иштирок этишди.

20 февралда саудиялик меҳмонлар Тошкент билан танишишни давом эттиришди. Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон диний бошқармасига ташриф буюришди, улар Самарқандга ҳам сафар қиладилар.

А. ЖЎРАБОЕВ, ЎзАнинг махсус мухбири.

САУДИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ДИНДОРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири, Шаҳзода Сауд ал Файсал ал Сауд бошчилигидаги Саудия Арабистони расмий делегацияси аъзолари 20 февраль куни Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасига ташриф буюрдилар.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида бошқарма раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф меҳмонларга Ўрта осиёлик буюк уламолар ҳақида, бошқарманинг фаолияти, ўлка мусулмонларининг ҳаёти тўғрисида, Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилингандан кейин динга катта эътибор берилаётганлиги, жумҳурият мусулмонларининг чет эллардаги биродарлари билан алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Муфтий делегация раҳбари Шаҳзода Сауд ал Файсал ал Сауддан Саудия Арабистони қироли Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Сауд ҳазрати олийларига Ўрта Осиё мусулмонларининг саломини етказишни илтимос қилди.

Саудиялик меҳмонлар Ўзбекистондаги мусулмонларининг ҳаёти билан қизиқиб танишганликлари, иккала давлат ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш ниятида эканликларини айтдилар. Сўнгра меҳмонлар Тиллашайх жоме масжидини ҳамда кутубхонани қизиқиб кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

ХДП: мулоқот

ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида республика вилоятлари ва Тошкент шаҳар районларидан таклиф қилинган партия, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқотни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов очди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари учун меъёрий турмуш шароитларини яратиш, уларнинг нафақа таъминотини изчиллик билан яхшилаб бориш — республика Халқ демократик партиясининг алоҳида ғамхўрлигидадир. Бу Ўзбекистон ХДП Дастурида ҳам қайд этилган. Хўш, бу ғамхўрлик ҳаётда қандай амалга оширилмоқда? Учрашув чоғида Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расулов шундай деди:

— Шу мақсадда Ўзбекистон ХДП Дастуридан келиб чиқиб, республика Олий Кенгашида партия аъзоларидан иборат депутатлар гуруҳи тузилди. Унинг вазифаси республика сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётига доир энг долзарб масалаларга ҳамда меҳнаткашлар дуч келаётган муаммоларга тааллуқли қонунларни қабул қилиш борасида ташаббус кўрсатишдан иборат. Биз депутатлар гуруҳи орқали Олий Кенгашга мустақил республика учун зарур бўлган 50 дан ортиқ қонунни ишлаб чиқишни таклиф этаяпмиз. Булар орасида оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада кучайтириш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва республикадаги барча нафақахўрларнинг нафақа таъминотини изчил йўлга қўйишни таъминлашга доир қонунларни ишлаб чиқишни партия ўз зиммасига олади. Партия аъзоси бўлган депутатлар, мутахассислар ушбу қонунларни ишлаб чиқиши учун тегишли маблағ ҳам ажратади.

Нотиқ, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган бошқа тадбирлар ҳақида ҳам атрофлича тўхталди.

Учрашувда Жиззах, Қашқадарё, Андижон, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари фахрийлар кенгашларининг раислари ва фаолларидан З. Санақулов, С. Усмонов, А. Алимов, Т. Каримова, А. Исмоилов, Л. Суздальцева, С. Коротков ва бошқалар сўзга чиқиб, иқтисодий қийинчилик кучаяётган ҳозирги кунда фахрийларнинг турмуш шароити оғирлашиб бораётгани, улар олаётган нафақа миқдори нарх-наво ошиб кетган бир шароитда жуда ҳам камлик қилаётгани, шу хусусда ҳукуматнинг махсус қарори чиқарилиши кун тартибига қўйилиши жоиз эканлиги ҳақида тўхталдилар. Улар, шунингдек, ХДП оёққа мустаҳкам туриб олиши учун нималар қилиш зарурлиги тўғрисида ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, маслаҳатлар бердилар.

Учрашувда ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Н. Носиров, Марказий Кенгаш котиблари А. Х. Сандов, И. А. Кочмарик, республика фахрийлар кенгаши раиси Р. Ғуломов қатнашди.

Ш. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



• Жиззах вилоятида семинар-кенгаш

Жиззах вилоятининг Дўстлик районида Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари котибларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда ҳозирги шароитда партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасидаги муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

ИШОНЧ

Семинар-кенгашда шу масала юзасидан Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Азимов маъруза қилди. У республика Халқ демократик партияси ташкил топгандан кейин ўтган давр ичида партия ташкилотлари олиб борган ишлар ҳақида атрофлича тўхталди.

Жиззах вилоят партия ташкилоти ташкилий ва сиёсий жиҳатдан шаклланиб, ўз фаолиятини тобора кучайтириб бормоқда. Ҳозир унинг таркибида 18.600 дан кўпроқ партия аъзоларини бирлаштирган 571 та бошланғич ташкилот иш олиб бормоқда. Дўстлик, Арнасой, Зарбдор, Пахтакор, Жиззах районларида партияга қабул ва партия аъзолари билан ишлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар айниқса диққатга сазовор. Дўстлик районидаги Саркисов номли давлат хўжалигида партия аъзолари сафи икки баравар, Қ. Раҳимов номли ва «Комсомол» давлат хўжаликларида бир ярим баравар ўсди. Семинар кенгашда шунингдек айрим партия ташкилотларида партияга қабул соҳасидаги ишларни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Жумладан, Жиззах шаҳри, Мирзачўл, Бахмал ва Ғаллаорол районлари партия ташкилотларида бу борада ўзгариш ясаш лозим.

Партия қарорларини омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, дастурий вазифаларнинг бажарилиши тўғрисида партия аъзоларига ва шунингдек аҳолига изчил ахборот бериб бориш мақсадида вилоят партия ташкилотининг «Истиқлол сари» ҳафталик рўзномаси ҳамда аҳолининг кам таъминланган табақаларига, жумладан ногиронларга, болалар уйларига моддий ёрдам бериш учун вилоят партия ташкилоти кенгаши қошида «Наврўз» хайрия жамғармаси таъсис этилди. Партия аъзоси бўлган халқ депутатларидан таркиб топган ишчи гуруҳлари ташкил қилинди, аҳоли билан жонли мулоқот олиб бориш мақсадида вилоят партия кенгаши ходимларининг жамоаларда қишлоқ ва маҳаллаларда учрашув кунлари ташкил этилди.

Семинар-кенгашда ҳозирги кўп партиялилик даврида шаҳар ва район кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари мафкура, тарғибот ва ташвиқот ишларида ўз асосий йўналишларини белгилаб олишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди. Сўзга чиққан Дўстлик район партия кенгашининг котиби О. Норқулов, Октябрь районидаги Алексеевский номли давлат хўжалиги партия ташкилоти котиби Б. Набиев, Мирзачўл районидаги «Ержар» маҳалласи партия ташкилоти котибаси М. Бекжонова, Пахтакор район партия кенгаши котиби И. Бекетов, Арнасой районидаги Тимошенко номли давлат хўжалиги партия ташкилоти котиби М. Дадаев, Фориш ва Зарбдор район партия кенгашлари котиблари Р. Тўйчиев, Э. Ризаевларнинг маърузалари семинар қатнашчиларида чуқур таассурот қолдирди. Улар партия аъзоларининг аҳоли яшаш жойларида олиб бораётган ишлари, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этиш ва шу йўналишда тушунтириш ишларини кучайтириш, Президент фармонлари ва қарорларининг бажарилиши устидан партия назоратини таъминлаш ҳақида тўхталдилар. Айрим нотиқлар «Эрк», ва «Бирлик»нинг рўзномалари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида алоҳида тўхталди, партиянинг Дастури ва Низомидан келиб чиқадиган вазифаларни атрофлича тушунтириб бориш зарурлигини таъкидлади.

Партия ташкилотларининг асосий мақсадларидан бири партиявий топшириқ сифатида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан белгиланган ишларни кенг кўламда амалга оширишдан иборатдир. Партия маблағлари ҳисобидан нафақахўрларга, кўп болали оилаларга ва ёш болалиларга қўшимча ёрдам беришда ва бу борада махсус фондларни тузишда партия ташкилотларининг ташаббус кўрсатишлари айниқса муҳимдир. Ҳозирги мураккаб шароитда ҳар бир партия ташкилоти ва унинг фаоллари Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлган халқ ноибларидан ва улардан ташкил топган депутат ишчи гуруҳлари билан биргаликда партиянинг дастурий вазифаларини, таъсис қурултойи қарорларини амалга оширишда бутун куч-ғайратларини ишга солишлари зарур.

Партия ўз ташкилотларининг жанговарлигини оширишда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеликдан келиб чиқиши ва бу йўлда ҳар бир фуқаронинг ҳаётий орзу-истакларини рўёбга чиқаришни қатъий туриб ҳимоя қилиши муҳим аҳамият касб этади. Нотиқ шунингдек партия аъзолари фаолиятини кучайтириш йўлида партия билетларини иложи борича тезроқ, март ойида партия ташкилотларига етказиб бериш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақида тўхталди.

Семинар-кенгашда партия матбуотининг ҳозирги шароитдаги ўрни ва роли ҳақида ҳам аниқ фикрлар айтилди. Партия фаоллари ўз мақолалари билан матбуотда фаол иштирок этишлари зарурлиги, Ўзбекистон ХДПнинг «Ўзбекистон овози» рўзномаси иқтисодий қийинчилик даврини бошдан кечираётган бир пайтда партия ташкилотларининг унга ёрдами жуда ҳам зарур эканлиги таъкидланди.

Шу кунларда ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир партия аъзоси юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмай, жойлардаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволни ҳисобга олиб иш юритишлари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, фармон ва қарорларнинг моҳиятини аҳолига тўғри тушунтириш ҳамда жойларда маъмуриятга шу қарорларни амалга оширишда кўмаклашиш зарур. Шу йўналишдаги энг долзарб вазифа — халқ ўртасида партиямиз, унинг вакилларига билдирилган ишончни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ХДПнинг аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган дастурий йўриқларини, республика Президенти фармонларини оғишмай амалга оширишни ташкилий ва сиёсий жиҳатдан таъминлашдан иборат. Бу борада вилоят партия ташкилотларида бир қанча ташкилий ва сиёсий тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида ҳам сўз юритилди.

А. Носиров ўз нутқида Ўзбекистон ХДП таъсис қурултойи, пленумлари қарорлари асосида партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш юзасидан бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳақида ҳам батафсил тўхталди. Сўнгра у семинар-кенгаш иштирокчилари саволларига жавоб берди.

Р. АБДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядер физикаси институти ҳузуридаги радиоактив чиқиндиларни кўмиш республика пунктида кейинги йилларда қилинган ишларнинг якуни чиқарилди.

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон гидрометереологияси, республика санитария-эпидемиология станцияси ва Геология вазирлигининг вакилларидан иборат мустақил ҳайъатнинг текширувидан сўнг кейинги йилларда кўмилган ва сақланаётган радиоактив чиқиндилар қатъий сақланаётганлиги қайд этилди. Радиоактив чиқиндилар махсус жойларда мустаҳкам сақланаётир.

— Пунктимиз 1969 йилдан буён ишлаяпти, — дейди радиоактив чиқиндиларини кўмиш республика пунктининг бошлиғи Ф. Саидумаров. — Бу ерга республика саноат корхоналари, Геология вазирлиги бўлинмалари, тиббиёт муассасаларининг радиоактив чиқиндилари олиб келинади.

Ядер физикаси институтининг радиация хавфсизлиги марказий хизмати ва республика санитария-эпидемиология станцияси пунктимизни доимий равишда назорат қилиб келадилар.

Суратларда: пункт ходимлари (чапдан ўнгга) 1. П. Иванчин, В. Алибеков, А. Ижов. 2. Пункт ходимлари томонидан ишланган транспорт контейнерлари.

С. ВЕЛИЧКИН олган суратлар (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИДА

Республика хотин-қизлар Қўмитаси қошида ижодкор хотин-қизлар уюшмаси ташкил этилди.

Куни кеча ана шу уюшманинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёзувчи, шоира, рассом, журналист, композитор, раққоса, хонанда, режиссёр ва меъмор ижодкор аёллар иштирок этдилар.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи муовини Д. Ғуломова Қўмитанинг бугунги кундаги энг долзарб муаммолари ҳақида гапириб берди. Ижодкор аёллар уюшмаси ташкилотчиси Г. Жўраева барча ижодий уюшмалардан танлаб олинган вакилалардан иборат уюшма маслаҳат кенгаши аъзолари билан йиғилганларни таништирди.

Анжуман иштирокчилари янги уюшманинг иш дастурини муҳокама қилдилар. Сўзга чиққан Республика ёзувчилар уюшмаси котибаси Г. Нуруллаева ва шоира О. Ҳожиева мазкур дастур ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, улар «Комсомольская правда» марказий рўзномасининг шу йил 4 февраль сонида босилган «Руслар масжидлар соясида» номли мақолани ўзбек халқига қаратилган навбатдаги фитна деб айбладилар. Бошқа сўзга чиққанлар ҳам уларни қўллаб-қувватладилар.

Ижодкорлардан М. Улуғова, О. Ғуломова, Раъно Раҳмон қизи, Р. Зарипова, М. Файзматова, О. Назарова, М. Раҳимова, Ш. Шоҳимардонова, Г. Жўраева, Д. Маҳмудова, М. Юнусхўжаевалар ижодкор аёллар уюшмаси — «Нафосат гулшани» иш дастури республикамиздаги ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий вазият билан боғлиқ ҳолда аниқ кўрсатмалар, вазифалар билан тўлдирилиши зарурлигини таклиф қилдилар.

ДОН МЎЛ БЎЛАДИ

Карл Маркс номли давлат хўжалиги — Қамаши районида уруғлик дон етиштирувчи йирик хўжалик. У вилоятнигина эмас, республикадаги кўпгина давлат ва жамоа хўжаликларини уруғлик дон билан таъминлайди.

Ғалласи борнинг тандирида бўрсилдоқ нон пишади. Элнинг ризқи-рўзи бутун, дастурхони тўкин бўлади. Шунинг учун ҳам хўжалик ғаллакорлари бу йил 14 минг гектар лалми майдонда арпа-бугдой етиштирмоқдалар. Экин майдонларининг кенгайганлиги эса мураккаб даврда аҳолини дон билан тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Хирмонга барака киритиш учун ҳосилдорликни ошириш керак. Ерни минерал ўғитлар билан озиқлантириш бунинг муҳим шарти. Шу боисдан айни пайтда 18 та сеялка билан гектарига 100 килограммдан ўғит солиняпти. Ёғингарчилик сероблиги учун ҳам арпа, бугдой майсалари текис ўсмоқда.

Ҳар гектар лалми ердан 20 центнердан дон олиш мўлжалланяпти. Бир йўла ўрим-йиғимга ҳам пухта тайёрланишяпти. Мавжуд 56 та комбайннинг ярмидан кўпи капитал ремонтдан чиқарилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Пулингиз куймайди

ЖАМҒАРМА БАНКИ МИШ-МИШЛАРНИ РАД ЭТАДИ

1982 йилги ютуқли давлат ички заёми тиражи ўтказилиши бекор қилинганлиги сабабли юз берган шов-шувлар энди камаяди. Одамлар заём облигацияларини топширишни тўхтатадилар, чунки ваҳима қилиш учун асос йўқ. Республика жамғарма банки ходимларининг тахминлари ана шундай.

— «Жамғарма банки заём облигацияларини қайтариб олмасмиш» деган гапларни мен фуқароларнинг телефон орқали сўровларидан билдим, — дейди Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки бошқарувининг раиси Ў. Раҳматуллаев. — «Известия» рўзномасида заёмнинг ташкилотчиси —СССР Молия вазирлиги тугатилганлиги муносабати билан 15 февралдаги тираж бекор қилингани ҳақида хабар пайдо бўлгач ана шундай миш-мишлар авж олиб кетди. Лекин заёмнинг ўзини бекор қилиш тўғрисида ҳеч ким қарор қабул қилгани йўқ. Бу масала батафсил муҳокама этишни талаб этади. Нима бўлганда ҳам аҳоли ўз пулидан маҳрум бўлмайди. Иттифоқ ҳукумати республикамиз аҳолисига нисбатан заёмлар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар юзасидан олган барча мажбуриятларни Ўзбекистон давлати ўз зиммасига олди. Шу сабабли заём облигацияларини топширишга шошилмасликни, заёмнинг тақдири узил-кесил ҳал қилинишини кутишни тавсия этаман. Эҳтимол, ютуқ ўйинлари давом эттирилар. Жамғарма банкимизнинг муассасалари заём облигацияларини қабул қилган ва бундан кейин ҳам қабул қилаверади. Бироқ кўп одамлар бирданига облигацияларини топшира бошлагач нақд пул етишмай қолди. 10 йил ичида Ўзбекистон ҳудудида 5,9 миллиард сўмлик облигациялар сотилган. Қисқа вақт ичида бунча пулни қайтариб бериш осон иш эмас. Шу гаплардан кейин ҳам облигацияларни топширмоқчи бўлган кишиларга унинг пулини жамғарма банкига ўтказишни таклиф қиламиз.

— Ўткир Қаҳҳорович, банк муштарийлар олдидаги мажбуриятларини бажаришдан манфаатдор эмасми?

— Манфаатдор, албатта. Биз мижозлардан маҳрум бўлсак, даромадимизнинг бир қисмидан маҳрум бўламиз.

— Ҳозирги вақтда сизнинг банкингиз мақоми қандай?

— СССР доирасидаги олдинги банкка сира ўхшамайди. Ҳозир банкимиз давлат тижорат банки мақомини олган. Бу эса аҳоли учун қўйилган барча омонатларга давлат кафолат беришини билдиради. Биз учун эса ишлаб пул топиш усулидир. 1991 йилда омонатларнинг ўсиши беш ярим миллиард сўмни ташкил этди. Биз уларни оборотга киритдик. — Якка тартибда уй-жой қурилиши, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш учун қарз бердик. Фойдаси билан қайтариш шарти билан икки миллиард сўмдан кўпроқ пулни республика давлат банкига кредит сифатида фойдаланиш учун, олти юз миллион сўмни эса бошқа тижорат банкларига бердик.

— Қарзга пул бериш пул ишлаб топишнинг бирдан-бир усулими?

— Пуллик хизматлар ҳам жамғарма банкига фойда келтиради. Бундай хизматларнинг тури саксонтадан кўпроқ. Хизматнинг мутлақо янги турлари ҳам бор. Масалан, жамғарма банки муассасалари қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун қабул қила бошлади. Ҳар қандай муддатга шартнома тузамиз. Қимматбаҳо қоғозларни ҳам сақлаб бериш учун қабул қилиб оламиз. Тез орада хорижий валютани жўнатиш операцияларини бошлаймиз. «Вестерн юнион — жамғарма банки» қўшма корхонаси билан фуқаролар номига валюта ўтказиш тўғрисида шартнома тузилди. Илгари бундай операцияларни асосан Москва бажарар эди. Эндиликда бу жараён жуда осонлашади. Валюта ўтказилганлиги тўғрисида хабарнома бўлса, уни белгиланган тижорат қийматида сўм ҳисобида олиш ёки нақд пулсиз мол сотиб олиш учун валютадан фойдаланиш мумкин бўлади. Ўтказилган пулнинг маълум фонзи бизнинг даромадимизга тушади. Шу билан бир вақтда хорижий валюталарни харид қилиш ва сотиш пунктлари ишлай бошлайди.

— Бу истиқболлар жуда умидбахш. Лекин кўпчиликни пулнинг қадрсизланиши масалалари ташвишга солмоқда. Сизнинг фаразларингиз қандай?

— Пулни қадрсизланишдан ҳимоя қилувчи восита бор. Жамғарма банки 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб аҳолининг омонатларига оширилган ставкаларни жорий этиш ниятидадир. Бир йилдан сўнг омонат миқдори кўпаяди.

Суҳбатни ЎзА мухбири Н. ШУЛЕПИНА олиб борди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ ШЎЪБАСИНИНГ БАЁНОТИ

Сўнгги вақтда Россиянинг бир қанча оммавий ахборот воситаларида республикада юз бераётган жараёнлар хусусида аслида жамоатчиликни чалғитувчи материаллар тез-тез пайдо бўлаётганига Ўзбекистонда эътиборни қаратмасликлари мумкин эмасди. Баъзи нашрларда ҳеч қандай жиддий асос бўлмагани ҳолда рус тилида гаплашувчи аҳоли ҳуқуқларининг камситилиши хавфи кучайиб бораётганлиги муносабати билан уларнинг Ўзбекистондан гўёки кетиб қолиши мумкинлиги тўғрисида материаллар берилиб вазият кескинлаштирилмоқда. Телевидениеда оддий жиноят фактидан фойдаланиб, бошқача фикрловчилар қатағон этилмоқда ва улардан ўч олинмоқда, деб жар солиняпти. Яқинда телевидение биринчи канали орқали Бухоро қумларида тиканли сим ортида азоб чекаётган қандайдир афсонавий америкалик ҳарбий асирлар тўғрисида гапирилди. Кўп вақтдан буён Ўрта Осиёдан гўё Исломнинг тарқатилиши мавзусидан зўр бериб фойдаланилмоқда.

Россия Телерадиокомпанияси программаларида ва бир қанча рўзномаларда қайта-қайта такрорланаётган бундай уйдирмаларнинг манбалари ҳалол-поклиги хусусида баҳс бошламай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот шўъбаси бу уйдирмаларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, деб ҳисоблайди. Илгари Ўзбекистонни деярли тилга олмайдиган айрим рўзномалар, телеканал ва радио программаларнинг ўзига хос эътибори авж олган пайт АҚШ давлат котиби Ж. Бейкернинг расмий ташрифи арафасига ва ташриф кунларига тўғри келди.

Ўзбекистонда мавзу жиҳатидан хилма-хил, лекин оҳанги ва йўналиши жиҳатидан бир-бирига яқин бу хабарлар мутлақо онгли мақсадга Ўзбекистон Республикасидаги ўзгаришларнинг демократик моҳиятини бузиб кўрсатиб, афкор оммада жаҳон ҳамжамиятининг 93 мамлакати таниган мустақил давлатнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида нотўғри тасаввурни вужудга келтиришга қаратилган, деган фикр тобора кучайиб бормоқда. Туб ерли аҳоли ва кейин келиб жойлашган аҳолининг гўёки бир-бирига қарама-қарши турганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари топталаётганлиги тўғрисидаги уйдирмаларнинг, диний бирлашмалар турмушига қўполлик билан аралашишга уринишларнинг, диндорларни ҳокимиятга қарши қўйиш истагининг ифвогарлик мақсадлари аниқ-равшан, буни таъкидламай бўлмайди.

Ўзбекистоннинг фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни сақлашга, миллати, сиёсий қарашлари ва диний эътиқодидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларига сўзсиз риоя этишга қаратилган йўли ўзгармай қолаверади. Бу йўлни меҳнаткашлар, республиканинг барча фуқаролари тўғри тушуниб қўллаб-қувватламоқда. Айни вақтда муайян сиёсий кучлар манфаатини кўзлаб ўтказилаётган ёлғон хабар тарқатиш кампанияси Россиядаги айрим оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончга путур етказмоқда ва бу кампания Ўзбекистоннинг Россия билан, турмушнинг барча соҳаларида самимий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан сўзсиз манфаатдор бўлган Россия билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга мутлақо ёрдам бермайди. Ўзбекистондаги ҳақиқий вазият тўғрисидаги фактларни бу қадар бузиб кўрсатаётган рўзномалар, телевидение ва радиоэшиттириш таҳририятлари барқарорлик ва тотувлик вазиятини ўзаро сақлаб туриш учун ўз масъулиятларини англаб олишлари лозим.

• Тошкент минтақасидан бир назар

АНОЙИ ЭМАСМИЗ

«Известия»нинг Деҳлидаги мухбири Николай Паклин «Ҳиндистон ислом радикалларининг ғалабасидан хавсирамоқда» (№40) деб наъра тортди. Дуруст, мақолада Ўзбекистоннинг Покистон билан муносабатларига оид гаплар бор. Жумладан, республикамизни Покистоннинг йирик порти билан боғлайдиган темир йўл қурилиши ҳақида музокаралар олиб борилаяпти экан. Янги тош йўллар Ўзбекистонни Покистоннинг Гваддар, Пасни портлари билан боғлаши ҳам мумкин. Худди мана шуларни айта туриб, мухбир ҳинд дипломатининг гапларига таяниб (шу дипломатнинг ўзи ким ёки мухбир унинг «сояси» билан гаплашганми?) демак, Покистон Ўрта Осиёдаги давлатлар ташқи савдосининг анчагина қисмини назорат қилиб туради, деб хулоса чиқаради.

Яна бир янгилик: Тошкентда Покистонга электр энергияси узатиш ҳақида бир кўнгилга келинган эмиш. Покистон делегацияси шу мамлакат саноат маҳсулотини сотиб олиши учун 30 миллион доллар қарз беришга рози бўлибди.

Буларнинг ҳаммасини мақбул дейиш мумкин бўлар эди-ку, лекин косанинг тагида ним коса борга ўхшайди. Мухбирнинг ёзишича, гўё Ҳиндистондаги сиёсий доиралар фикрича, Исломободнинг пировард мақсади Ислом Федерациясини тузиш эканки, мазкур Федерацияга Покистон, Эрон, Афғонистон, Туркиянинг бир қисми (бир қисми нима дегани, таажубга тушади одам) ва Ўрта Осиёдаги давлатлар кирар эмиш.

Яна бир даъво: ислом дини шундай мўъжизакор калит эканки, у билан Ўрта Осиёнинг дарвозалари очилар эмиш. Шу тахлитда ҳужумкор ислом (нақадар таниш ибора) Ўрта Осиёдаги собиқ республикаларни ақидапараст ислом давлатларига айлантириши мумкин бўлиб қолар экан. Бунинг устига ана шунга жуда осонлик билан эришса бўлади, деб уқтиради мухбир.

Қилдан қийиқ ахтариб, тўйдан олдин ноғора чалиб, айюханнос солиш мумкин, албатта. Лекин мустақил Ўзбекистоннинг бугунги сиёсатига, халқаро майдондаги бугунги ишлари, у қўяётган дастлабки қадамларга синчковлик билан разм ташлаш ҳам ибратли, ҳам фойдали бўлур эди. Республикамиз ҳукумати ва Президенти мустақиллик эълон қилинган биринчи кундан бошлаб ҳам қўшни мамлакатлар, ҳам бошқа қитъалардаги катта-кичик давлатлар билан тенг ҳуқуқли асосда, ўзаро фойдали негизда алоқалар ўрнатиш ҳаракати ва ниятида. Бу ўринда Ислом Каримов суверен давлат раҳбари сифатида биринчи бор Ҳиндистонга ташриф буюрганлигини айтиб ўтишимиз керак. Ўзбекистон ҳеч қандай шарт қўймай, ҳеч нимани писанд қилмай, ҳалоллик ва тўғрилик билан республикамиз ила алоқа ўрнатмоқчи бўлган барча мамлакатларга дўстлик қўлини узатмоқда. Энди Ислом ақидапарастлиги ҳақида ёки бошқа бирон таъсир ва тажовузлар ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни айтишимиз керакки, Ўзбекистон ҳукумати ҳокимият жиловини қўлида маҳкам ушлаб турибди. У ўз халқининг манфаатлари йўлида жон куйдириб ишламоқда. Унинг шу манфаатлардан бўлак нияти йўқ ва ўзи танлаган йўлдан собитқадамлик билан бораверади.

А. АБДУҚОДИРОВ,
ЎзА мухбири.

• ЁРУҒ ЮЗЛИ ЎЗБЕГИМ •

ПАХТА ИШИ: СЎНГГИ СЎЗ

Расул РАҲМОНОВ,
Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳамма вақт ва ҳар қандай вазиятда кимга итоатда бўлса, доим ўшанинг фикрини қўллаб-қувватлаш, ўзлигини унутиш, шахсий фикр-мулоҳазасига зид ишларга қўл уриш, тайёр, бир қолипдаги, олдиндан қандайдир мақсадларни кўзлаб тузилган режаларни кўр-кўрона бажариш — манқуртлик йўли нақадар фожиали эканлиги бугунги кунда аён. Шукурки, бу мудҳиш, мажбуран, баъзан иймон-эътиқоди суст, амалпараст, худбин кимсаларнинг ўз хоҳиши билан ҳаётга кириб қолган бадкор фаолият мезонига қарши ўт очилди, дадил кураш бошланди. Бу қутлуғ қадамни амалда, табиатан мард инсон Ислом Каримов бошлаб берди. Бунинг ёрқин мисоли «Пахта иши» бўйича афвнинг эълон қилинишидир.

ЙИЛЛАР оша «марказ»га қуллуқ қилиб келинганни сир эмас. Унинг айтгани айтган, дегани деган бўлган. «Марказ»нинг топшириғи ва «ҳа, баракаллоси» билан пахта хирмонини 6 миллион тоннага чиқариб қўйган эдик. Аммо халқни, ўзбек халқининг турмушини амалда чинакам инсоний даражага кўтариш гапда, қоғозда эди. Ўзбек деҳқони эрта-ю-кеч, тонг саҳардан қош қорайгунча қишни қиш демай, саратоннинг жазирама офтобида меҳнат қилиб, хирмон-хирмон пахта уярди-ю, роҳатини кўрмасди, косаси оқармасди. Қизил мустамлака адолатсизлигидан йиртиқ чопони бут бўлмади, дастурхони тўлмади, рўзғорига қут-барака кирмади. Аксинча, ҳалол меҳнатлари эвазига «марказ»нинг найранги билан унинг бошига «пахта иши», «ўзбеклар иши», «рашидовчилик» деган тавқи-лаънатлар ёғдирилди. Кўзбўямачи, порахўр деган тухматларга дучор бўлди. Худо тухмат балосидан асрасин, дейди халқ, аммо...

Бир донишманддан «Сиз нимадан жуда қўрқасиз?» деб сўрабдилар.

Донишманд жавоб берибди:

— Иғво ва тухматдан.

Ҳа, бу дунёда тухмат балосидан ортиқ дард йўқ. Лекин халқимиз сабр қилди, тоқат қилди, таҳқирликларга чидади. Шоир айтганидек умид билан яшади:

Вақт келар, эсади насими сабо,
Синиқ қанотнга бахш этар даво.
У пайт қанотимнинг ҳар паридан
Ажиб янги ҳаёт бўлади пайдо.

Ҳа, Ўзбекистонда, мустақил Ватанимизда янги ҳаёт бошланди. Ўзбекистон халқининг кўксига шамол тегди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг иродаси, жасорати билан Ўзбекистон мустақилликка эришди. Бу кунлар ота-боболаримизнинг асрий орзуси эди. Асрий армон ушалди, орзулар рўёбга чиқди.

Мустақиллик туфайли ўзбек пахтакорларининг ҳам ғанимлар хира солган юзи ёруғ бўлди. Бободеҳқон «пахта иши» деб аталган маломат тошидан қутилди.

Хўш, бу ҳол қандай юз берди? Нега бегуноҳ одамлар ноҳақ таҳқирланди? Бунчалик зуғум, бунчалик зўравонлик кимга керак бўлди? Бундай тазйиқ ўтказиш ва ҳуружлар остида кимлар турибди? Ўзбекларни бадном этиш кимга, нега керак бўлиб қолди?

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Пахта иши» билан қамалганларни афв этиш тўғрисидаги Фармонига яна бир бор кўз югуртирар эканмиз, хаёлимизда беихтиёр ана шундай саволлар чарх уради.

— Аслида «ўзбеклар иши», «Пахта иши» собиқ Марказнинг тўқимаси эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Пахта иши» бўйича комиссияси раиси Исмоил Ҳакимович Жўрабеков. — Бу ғаразли мақсад ортида ўзбек халқининг миллий ғурурини оёқ ости қилиш, республиканинг етук кадрларига зимдан зарба бериш орқали путури кетаётган «марказ» обрўсини тиклаш, жиғилдонни текин томоқ билан тўлдириш, эски тизимни сақлаб қолишга уриниш ётар эди. Бундай тазйиқлар 74 йиллик тобеълик тарихимизда кўп бўлган. 30,50, 60-йилларда ва 70-йилларнинг бошларида «республикада етук, малакали мутахассис-кадрлар етишмайди», деган баҳона билан партия ходимлари ниқоби остида махсус топшириқ олган «десантчилар», «марказ»дан кўп бор қадам ранжида қилганлар. Кейинги «Пахта иши» деб аталмиш риё ҳам республикамизга қилинган навбатдаги, аниқроғи сўнгги ҳуруж эди. Лекин бу галги тазйиқ бутунлай бошқача эди. Аслида бу ўзлигини таниб бораётган бой ўлкамизнинг ер ости ва ер усти бойликларидан, тайёр хом ашё манбаидан айрилиб қолмаслик учун қилинган яна бир ҳуруж эди. «Марказ» ўзининг Ўзбекистонга навбатдаги юришини, юқорида айтилганидек, миллий кадрларни, «номақбул» раҳбар ходимларни бадном қилишдан бошлаган эди. Дастлаб халқимизнинг отахони, фақат собиқ иттифоқдагина эмас, балки бутун дунёга машҳур бўлган Шароф Рашидов номи қораланди. «Марказ»дагилар: «Мана кўрдингизми, сизларнинг энг олий раҳбарингиз ҳам балчиққа ботиб қолган» деб халқ орасида унга нисбатан нафрат уйғотмоқчи бўлдилар. Лекин улар айтганча бўлгани йўқ. Мана буни ҳаётнинг ўзи қанчалик ҳақиқат эканлигини рўй-рост исботлаб турибди...

«Пахта иши», «ўзбеклар иши» пухта ўйлаб топилган бўлиб, аслида махсус «операция»ни амалга ошириш мақсадини кўзлаган шунчаки бир баҳона эди, холос. Зотан, қўшиб ёзиш фақат Ўзбекистонда содир бўлибдими? Бу бутун бир бошли тузумга теккан касал эди. «Марказ»нинг, аниқроғи Москвадаги собиқ ГОСПЛАН-нинг умуммамлакат миқёсида олиб борган сиёсати эди бу! «Марказ» ўзининг ана шу қора ишларини турли йўллар билан ниқоблаб келган. Эндиликда собиқ КПСС Марказий Комитетининг топшириғига биноан республикамизга собиқ СССР Прокуратурасидан ғаразли терговчилар гуруҳини юборганлиги маълум бўлиб қолди. Гдлян ва Ивановнинг нопок тергов гуруҳига чекланмаган ҳуқуқлар бериб қўйилган эди. Гдлян шайкалари ҳамма вилоятларда тўла хўжайин бўлиб олган эдилар.

ЎЗБЕКИСТОНГА юбориладиган раҳбар ходимлар ва мутахассислар рўйхати собиқ КПСС Марказий Комитетида тузилган экан. Республикамизга етиб келган ана шу «марказ»чилар орасида бизнинг шароитимиз, урф-одатимиз, қишлоқ хўжалигимиз, айниқса пахтачиликни биладиган биронта тажрибали кимса йўқ эди. Лекин улар дарҳол катта раҳбарлик лавозимларини эгаллаб олдилар. Собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари қилиб сайландилар. Ҳалол меҳнат қилаётган билимдон ва тажрибали маҳаллий ходимлар ҳеч қандай сабабсиз ишдан бўшатилди, лавозимлари пасайтирилиб юборилди. Масалан, Бухоро вилоятида бир вақтнинг ўзида райком котибларининг кўпчилиги, район ижроия қўмиталари раисларининг 70 фоизи, вилоят колхоз ва совхозлари раҳбарларининг 50 фоизга яқини қамалди. Олот районида 11 хўжалик бўлиб, бу хўжаликлар раҳбарларининг ҳаммаси қамалган. Текширув чоғида бу раҳбарларнинг ҳаммаси жуда юпун яшаётганлиги, уйларида бор-йўғи биттадан сигирлари бўлганлиги, хонадонларида шолчадан бошқа нарса йўқлиги маълум бўлган. Улар қамалгач, оиласидаги 8—10 боладан иборат жўжабирдек жонлар жуда оғир ва мушкул аҳволга тушиб қолган эдилар. Минг афсуски, ўша машъум дамларда республикамиз тақдири Анишчев, Огарок, Сатин, Клепиков, Романовский, Нестеренко, Дидоренко, Теплов, Гайданов, Литвиненко каби устомонлар қўлида эди. Улар ўзларига ёқмаган бир қадар «хавфли туюлган рақиблари»ни қувғин қилдилар. Бир мақсадни кўзлаб, яъни республикада маънавий-сиёсий вазиятни бошқаришни ўз қўлларига олишни кўзлаб иш олиб бордилар. Шу даврларда, яъни 1985 — 1989 йилларда республикада содир бўлган фожиали воқеалар — Фарғона, Қўқон, Бўка, Паркент воқеалари, кейинчалик Ўшда юз берган қонли фожиалар ҳали ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ. Ким билади, балки бу фожиаларда уларнинг ҳам қўллари бордир. В. Огарок Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллаши биланоқ Россия, Украина, Белоруссиядан ўзининг таниш-билишлари, ошна-оғайниларини Ўзбекистонга, мартабали вазифаларга бирин-кетин чақира бошлаган. Масалан, Харьков шаҳар «Спортторг»и директори бўлиб ишлаб турган ўз гумаштаси Ю. Литвиненкони республикага чақириб, унга савдо министри вазифасини тақдим этган.

Республика раҳбариятида юқори лавозимларга чиқиб олган Анишчев, Огароклар ёрдамида юқори лавозимларни эгаллаган Романовский, Клепиков, Малолетов, Баруллин каби шахсларнинг виждони тоза эмасди. Улар фақат бойлик орттиришга зўр бердилар, турли маиший бузуқликка йўл қўйдилар...

Аммо республикамиздаги соғлом кучлар ўз вақтида бу хатарли ҳаракатларнинг олдини олдилар. Президентимиз Ислом Каримов мана шундай оғир шароитда бутун масъулиятни ўз бўйнига олиб, дадил ва қатъий ҳаракат қилди. Биз бугун Президентимизнинг қатъий йўл тутганлиги туфайли республикада аҳвол яхшиланганлигини кўриб турибмиз. Шунинг учун ҳам кенг халқ оммаси, корхона ва деҳқончилик саноати жамоалари вакиллари Ислом Каримовнинг Президентликка кўпчилик овоз билан сайланганлигини муборакбод этиб ёзган сонсиз-саноқсиз хатларида «Отангга раҳмат!» демоқдалар, узоқ умр, матонат, сиҳат-саломатлик тиламоқдалар. Эзгу ниятларини, ҳайрли, тарихий ишларини амалга оширишида уни доим қўллаб-қувватлашларига тайёр эканликларини изҳор этмоқдалар.

Кўпчиликни ваҳима босган ўша 1984—1986 йилларда ўзбек пахтакорлари гўё 6 миллиард сўмни ўзлаштирганлиги, қумларга кўмилган олтин тўла ҳумлар, бебаҳо зеби-зийнатлар бор эканлиги ҳақидаги афсоналарни тўқиб, бутун дунёга жар солдилар, мислсиз шов-қин-сурон кўтардилар. Лекин ёлғоннинг умри қисқа, ҳақиқат синмайди, дейди халқимиз. Шундай ҳам бўлди. Адолат тантана қилди.

Ўша айтилган миллиардлар кимнингдир кўрсатмаси билан нопок ниятли тергов органлари томонидан ўйлаб топилгани, бир неча юз минг марта ошириб кўрсатилганлиги маълум бўлиб қолди. «Қўшиб ёзиш» айбномаси таг-томири билан ёлғонга, пучга чиқди.

Ҳурматли муштарийнинг эсида бўлса, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида 6 миллиард сўм тўғрисида, Москва шаҳрида бўлиб ўтган митингларда бир неча ўн миллиард сўм ҳақида гап борган эди. Собиқ СССР халқ депутатлари съезди комиссияси томонидан собиқ СССР Прокуратураси материаллари асосида тайёрланган ҳужжатнинг биринчи вариантида 5 миллиард сўм, иккинчи вариантида 2—4 миллиард сўм тўғрисида айтилган. Ҳозир эса бир неча миллион сўм тўғрисида гап боряпти. Кўриб турибсизки, миллиардлар тўғрисидаги афсоналар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетди.

Республика Олий Кенгашининг «Пахта иши» комиссияси адолатни тиклаш йўлида жуда кўп ишларни амалга оширди. Пахтакорларимизнинг элу-юрт олдида энди юзлари ёруғ бўлди, деб айтишга ҳақлимиз. Мана шундай ҳуқуқий тенгсизлик шароитида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган республиканинг «Пахта иши» бўйича комиссияси фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бўйича чиқарилган ҳукмларнинг асосли ёки асоссизлиги билан боғлиқ жуда кўп масалаларни кўриб, ўрганиб чиқди. «Пахта иши» билан ноҳақ судланган кишилар Президент Фармони билан озодликка чиқдилар. Республика Президенти уларни афв этди.

МАЪЛУМКИ, 1983—1988 йилларда «Пахта иши» деб номланган жиноий ишлар бўйича 4,5 мингга яқин қишлоқ хўжалик ходимлари суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган эдилар. Ҳозирги кунга қадар бу масала бўйича жумҳуриятимизда кўрилган барча жиноят ишлари текшириб чиқилди. Шу ишлар бўйича талон-торож қилинган пул миқдори 18 миллион сўм атрофида бўлганлиги аниқланди. Жумҳуриятимиздан ташқаридаги судларда кўрилган ишларни ҳам ҳисобга олинса, талон-торож қилинган пул миқдори жами 30 миллион сўмдан ошмайди. Кўриб турибсизки, расмий тарзда эълон қилинган пул миқдори билан ҳақиқий зарар миқдори ўртасидаги фарқ жуда катта. Зарар миқдори сунъий равишда бир неча юз маротаба ошириб кўрсатилган. Агар бу масалада ойдинлик киритилмаганда ёки аниқланмаган тақдирда 80-йилларда «Пахта иши» бўйича миллиард-миллиард сўмлар талон-торож қилинган, деган айб Ўзбекистон тарихида доғ бўлиб қолар эди. «Пахта иши»ни ўрганиш жараёнида судланганларнинг аксарият кўпчилиги ўзига бир сўм ҳам ўзлаштирмаганлиги маълум бўлди. Бу ҳолат тергов органлари хулосасида ҳам, суд қарорларида ҳам таъкидлаб ўтилган. Лекин бунга ўз вақтида ҳуқуқий баҳо берилмаган. Ҳақиқатан ҳам бу шахслар қўшиб ёзишда, пахта сотиб олишда иштирок этганлар. Лекин бу ҳаракатларни тазйиқ оқибатида содир қилганлар. Маълумки, ўша йилларда маҳаллий шарт-шароитлар, жумҳуриятимиз манфаатлари ҳисобга олинмаган ҳолда «марказ»дан бажарилиши амри маҳол бўлган режалар юклатилган. Натижада ўша режани қандай йўл билан бўлмасин, бажариш учун юқори ташкилот раҳбарлари томонидан пахтакорларга тазйиқ ўтказилган. Бу борада биргина мисол келтириб ўтишни жоиз деб биламиз. Масалан, Қашқадарё вилояти Таллимаржон районидаги «Коммунист» давлат хўжалигидан «Пахта иши» бўйича 24 киши жиноий жавобгарликка тортилган ва суд ҳукми билан жазоланган. Иш текширилганда шу нарса аниқландики, район раҳбарлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат ҳисоботига қўшиб ёзишга топшириқ берганлар. Аммо топшириқ бажарилмагандан сўнг, уларнинг топшириғига асосан давлат хўжалиги бош ҳисобчиси Ҳидиров, кассирлари Баҳриддинов ва Эргашевлар қамоққа олинганлар. Бўлим бошлиғи Жалилов қонунсиз топшириқни бажармай қўшни давлат хўжалигига ишга ўтиб кетгандан кейин 1982 йил 25 декабрь куни унинг уйига совхоз директорининг ўринбосари Қобулов ва парторг Бозоровлар боришиб: — «Ё ҳужжатларга имзо чекасан ёки квартирангни бўшатиб қўясан» деган шарт қўйганлар. Жалиловнинг бошқа уйи бўлмагани ва қишда борадиган жойи йўқлиги учун қалбаки ҳужжатларга имзо чекишга мажбур бўлган. Бошқа бир бўлим бошлиғи Ҳамдамовни қалбаки ҳужжатларга имзо чекмагани учун рўзғор буюмларини аравага ортишиб ўз уйидан кўчага чиқариб қўйишган. Унинг нарсалари қишда кўчада уч кун турган. Шундан кейингина Ҳамдамов қалбаки ҳужжатларга имзо чекишга мажбур бўлган. Айни пайтда бу кишилар Ўзбекистон Олий Суди томонидан оқланди.

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуасининг 14-моддасига биноан агар шахс у ёки бу ҳаракатни тазйиқ оқибатида содир қилса, бу ҳаракат жиноят ҳисобланмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси ўринбосари Абдусамад Абдуҳамидович Полвонзода. — Шу модда талабига кўра келтирилган зарар олдин олинган зарардан камроқ бўлиши керак. Лекин бу қонун амалда татбиқ қилинмасдан ўлик модда бўлиб келган. Комиссиянинг фикрича, бу модда айнан шу ишларга татбиқ этилиши лозим эди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 1990 йил 20 июль куни қабул қилган қарорида судларга қуйидагича тушунтирув берди: «Судлар ҳар бир конкрет ҳолатда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг тазйиқи остида жиноят содир этишга мажбуран иштирок этганлик фактларига албатта ҳуқуқий баҳо беришлари лозим. Шу билан бир қаторда мазкур раҳбарларнинг қонунга хилоф талабларини бажармаган тақдирда шахснинг қандай ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари хавф остида қолганлигини аниқлаш лозим.

Агар шахс унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек, унинг яқин кишиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига руҳий ёки бошқа яшаш манбаидан маҳрум бўлишига ва ҳоказо хавф туғдирувчи шундай бир шароитга туширилган бўлиб, унинг бошқа бир бирор воситалар билан бартараф этиш имконияти йўқлиги аниқланса ва у олдин олган зарар содир этган хатти-ҳаракатларидан муҳимроқ бўлса, гарчи кўрсатилган ҳаракатлар расмий жиҳатдан жиноий жазо тайинлаш мумкин бўлган ҳаракатларни ўз ичига олса ҳам, бундай ҳаракатларни охирги зарурат ҳолатида содир этилган деб ҳисобламоқ лозим. Чунки жамиятни демократиялаш ҳуқуқий давлат шароитларида инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари, озодлигининг ижтимоий қиммати биринчи даражали аҳамият касб этади».

Мана шу қарорга асосан жумҳурият Олий суди келтирган протестлар бўйича «Пахта иши» билан қамалган кўплаб кишилар оқланди...

АЛБАТТА, бу ишлар ўз-ўзидан бўлмади. Собиқ СССР Бош прокурори ва СССР Олий судининг раиси жумҳуриятимиз Олий судининг мазкур қарорини нотўғри деб ҳисоблаб, уни амалга оширишга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. 1991 йил 17 май куни СССР Олий суди Ўзбекистон Олий суди вакили қатнашмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик декларациясини менсимасдан Ўзбекистон Олий суди пленуми қарори Иттифоқ қонунига мос келмайди, деган асос билан уни бекор қилди. Албатта СССР Олий суди пленумининг бу қарори, биринчидан асоссиздир ва ўз вақтида «Пахта иши» тепасида бўлган баъзи бир Иттифоқ миқёсидаги раҳбар ходимларнинг ташаббуси билан қабул қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари, профессорлар Ғ. А. Абдумажидов, Б. А. Блиндер, академик В. Н. Кудрявцев, профессорлар Ю. П. Касаткин, И. М. Галперин, Н. В. Радутная, С. В. Бородин ва ҳаттоки собиқ СССР Прокуратураси қонунчилик институтининг директори, профессор И. И. Карпецлар Ўзбекистон Олий суди пленуми ўз ваколат доирасидан четга чиқмай, қонуний қарор қабул қилганлиги ҳақида ўзларининг фикрларини ёзма равишда жумҳурият Олий судига тақдим этгандилар. Шу билан бирга юқорида номлари зикр этилган олимлар собиқ СССР Олий судининг қарори қонунга хилоф равишда қабул қилинганлигини кўрсатдилар...

«Марказ»нинг мана шундай зўравонлиги оқибатида республикамиз маънавий сиёсий ҳаётига катта зарар етказилди. Ашаддий қонунсизлик, тенгсизлик юз берди. Лекин ўша йили, яъни 1983 йилда кўпчилик эртами-кечми шундай кун келишига, адолат қарор топишига ишонарди. Халқимиз содир бўлган воқеаларнинг сабабларини аниқлаб, ҳақиқат юзага чиқишини талаб этган эди. Асоссиз айбномалар, шафқатсиз тергов усуллари, адолатсиз ҳукмлардан азоб чеккан минглаб кишилар юқори идораларга ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига арз-шикоят билан мурожаат этгандилар. Ўнлаб-юзлаб кишилар, қанча-қанча қишлоқларнинг меҳнат аҳли Тошкентга бетўхтов қатнадилар. Москва йўлида сарсон-саргардон бўлдилар. Тергов азоб-уқубатларидан азоб чеккан, тухмат балосига учраган мансабдор шахслар, оддий кишилар, оддий пахтакорлар нуфузли идоралар олдида адолат излаб, интизор бўлиб қон-қақшадилар...

Минг шукурки, энди бу ишларга, яъни Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг жасорати, инсонпарварлиги, собит қадамлиги, қатъияти туфайли «Пахта иши»га сўнгги нуқта қўйилди.

Биз энди шукроналар айтиб, ҳаммамиз якдил бўлиб, мустақилликни мустаҳкамлаш учун бел боғлаб, меҳнат қилишимиз зарур. «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деб аталмиш тухмат балосига яна учрамаслик учун ўринсиз тарафкашликни йиғиштириб қўйишимиз керак. Ҳамиша навқирон Тошкент, бутун оламга машҳур Самарқанд, гўзал Фарғона водийси, қадимий Бухоро ва Хоразм, сўлим Сурхон ва Қашқадарё, лалмикор Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, бепоён Орол бўйи, битмас-туганмас бойлик маконлари Мурунтов, Зарафшон, Учқудуқ, Олмалиқ, Ангрен, Чодак ўзбеклар диёридир. Биз энди қўлни қўлга бериб, республикамизни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш, унинг тезроқ тенглар ичида тенг, ғолиб, чинакам мустақил давлат бўлиши учун жипслашувимиз керак.

Ҳозир Президентимиз ана шу эзгу ниятни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳолда изчил сиёсат олиб боряпти. Бу сиёсий йўл Ўзбекистоннинг мустақиллигини, унинг келажагини таъминлашга қаратилган. Кимки мустақиллик ва демократияга муносиб бўлишни истаса, дилида зафар ғурури бўлса, шу йўлни қўллаб-қувватлашига аминмиз. Аслида бу йўл Ўзбекистоннинг равнақини кўзлаган ҳақиқий ватанпарварлар йўлидир. Эндиликда озодлик йўли нурини тўсиб бўлмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг ёлқинли қаноти жаҳон бўйлаб мудом ёзилади! Юртимизни балойи-офатлардан яратганнинг ўзи асрасин, унга бахт-саодат, баланд толе ёр бўлсин!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚИЗИЛҚУМДА ТЕГИРМОН

● Конимех районидаги «Шофиркон» қўйчилик давлат хўжалиги марказий қўрғони — Боймуродда электр қуввати билан ишлайдиган тегирмон ишга туширилди.

Бу тегирмон ҳар куни чўпон-чўлиқларга 1-1,5 тоннагача буғдойини тортиб бермоқда. Қизилқумда тегирмон ишга солинишининг боиси бор. Чунки чўл шароити бўлсада хўжалик раҳбарлари буғдой сотиб олиб, аҳолига тарқатишди. Бунинг устига хўжаликнинг насослар ёрдамида суғориладиган ерларига ғалла экинлари экиш йўлга қўйилди.

ОЛТИНТОПАРЛАР МАМНУН

● Зарафшон шаҳрида «Эдем» кичик корхонаси иш бошлади. Бу, грекча сўз бўлиб, «жаннат бурчаги», демакдир.

Бежирим кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу кичик корхона жамоаси хизмат масканининг исми-жисмига монанд бўлишига интилишмоқда. Бу ерга буюртма беришга келган мижозларнинг қувончи чексиз. Кичик корхона маҳсулоти: тайёр кийимлар, аёллар кўйлаклари, шим ва ярим пўстинлар, телпаклар «Эдем»нинг ўз фирма дўконида сотилмоқда.

ХЎЖАЛИК КОНСЕРВАСИ

● Навбаҳор райони, «Гигант» давлат хўжалигида консерва линияси ишга туширилиб, 50 киши иш билан таъминланди.

Бу линия хўжаликнинг ўз сабзавот ва мева маҳсулотларидан ҳар йили 3 миллион шартли банка маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Қисқа вақт ичида бу корхонада 20 хилдаги 30 минг банка мева ва помидор консерваси ишлаб чиқарилди. Қиш кунларида эса сабзидан хуштаъм мураббо тайёрланаяпти.

БЕЖИРИМ ЧОЙШАБЛАР

● «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси минерал ўғитлар тайёрлаш манбаи экани маълум.

Лекин бирлашмада нафақат кимёвий хом ашёлар, балки, ноёб «Нитрон» толаси, рангли тўқимабоп иплар ҳам ишлаб чиқарилади. Яқинда навоийлик кимёгарлар ана шу сунъий тола ва рангли иплардан бежирим чойшаблар, автомобиль ўриндиқ-ғилофлари тикиб чиқаришни йўлга қўйишди. Йил охиригача бирлашмада 20 миллион сўмлик харидорбоп чойшаб ва ғилофлар тайёрланади.

ОРЗУЛАРИ УШАЛДИ

● Энди Алишер Навоий номидаги вилоят, шаҳар ва район бор. Аммо бобокалонимиз ҳайкали йўқ эди. Ваҳолонки Навоий шаҳри буюк мутафаккир номи билан аталаётганига 30-35 йилдан ошди.

Яхшиям рўшнолик кўрадиган, ўзликни англайдиган, қадриятларни тиклайдиган кунлар бошланди. Яқинда навоийликларнинг азалий орзуси ушалди. Эзгуликнинг кечи йўқ экан. Навоий ҳайкали бунёд этилди. Муҳими, ҳайкал янги вилоятнинг Кармана марказида, яъни Навоий райони ва Навоий шаҳрига кираверишга ўрнатилди. Самарқанд — Бухоро, Навоий — Зарафшон катта йўли ёқасида савлат тўкиб турибди. Ҳайкал Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли ҳайкалтарош Нодар Бандзладзе билан истедодли лойиҳачи Зариф Болтаев ижодига мансуб.

М. ШАРОПОВ.

НАРХ-НАВО... АҚЛНИ ЧАРХЛАЙДИ

«Кўчат экинг, боғ қилинг», деган шиорни яхши кўрадиган хўжаликларнинг аксарияти кўчатни... сотиб олишади (Эҳтимол, ўша ерда ишлаётган агрономларнинг раҳбарлар топшириғини бажариш-у, мажлисларда қатнашишдан қўли бўшамаса керак-да).

Яқинда Жарқўрғондаги «Шарқ юлдузи» давлат хўжалигининг бош бухгалтери Омон Аҳадов билан суҳбатлашдим. Хўжаликдагиларнинг бу йил янги токзорлар ва боғлар бунёд этиш нияти бор экан, Ўн мингта ток кўчатини сотиб олишибди. Пули — 94 минг сўм. Кўряпсизми, нақ чақиб оладиган нарх. Шунинг учунми, бухгалтер бу савдони тўхтатинглар, депти. Агрономни суриштирдик — тополмадик. Мен бухгалтерга машҳур «Сурхон» давлат хўжалигида Бўриев Бадалхон деган оддий боғбон (агроном эмас) борлигини айтдим. Бадалхонни мақтадим. Бадалхон асли Мексикада ўсадиган, совуқда ҳам музламайдиган хохоба деган ўсимликни парвариш қилаётганини, бир дарахтнинг ўзида 4—5 хил мева етиштираётганини, узоқ эмас, шу «Шарқ юлдузи» хўжалигида истиқомат қилаётган иқтисодчи Ҳусан Жабборовнинг зироатчиликнинг бирон китобини варақлаб кўрмаса ҳам етти сотих ерда ёнғоқ кўчати ўстириб, йилига 20—25 минг сўм даромад олаётганини айтдим. Денов, Сариосиё районларида ҳатто, қилдан қийиқ ажратиб иш кўришни тақозо этадиган юмуш — хурмо кўчати етиштириш билан шуғулланаётган кишиларни танишимни эслатдим.

Бухгалтер муддаомга тушунганини билдирди ва эндиги шароит ақлларни чархлаётганини айтди.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

● Урганч ёғ-мой комбинати маъмурияти бозор муносабатлари шароитида ўз ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган бирмунча тадбирларни амалга оширмоқда. Январь ойидан бошлаб бу ерда ойлик маошлар икки бараварга кўпайтирилди. Тушлик овқат учун эса компенсация тўловлари жорий этилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Комбинат директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Т. Мусаев. 2. Ишчи Отахон Юнусов.

Сураткаш В. МОЛГАЧЕВ.

• Акс-садо •

НОЎРИНЛИЛИК

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 7 февраль сонида босилган олим Эргаш Умаровнинг «Бойлигимиз соврилмасин» сарлавҳали мақоласини ўқиб, мамнун бўлдим. Чиндан ҳам тилга олинган ўша ёдгорликлар олдидаги оловлар беҳуда ёниб, исроф бўляпти. Шу ёнилғи хонадонларга кириб борса, қанчалик хайрли иш бўлур эди.

Бундан ташқари қабристонларда шам, никоҳ тўйларида олов ёқиш сингари одатлар ўзбек миллати урф-одатлари ва қолаверса, Ислом динига мутлақо ёт нарса. Биз ўзимизнинг ким эканлигимизни англаб, ҳақиқий анъаналаримизни тиклаётган бир пайтда бундай бегона одатларга барҳам бермоғимиз керак.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Фармонига мувофиқ Давлат хавфсизлиги комитети Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ)га айлантирилди. У республика комитети ҳуқуқига эгадир.

Янгиланган махсус бўлинма раиси Б. А. Романенконинг хабар қилишича, махсус хизмат маҳкамаси Қорақалпоғистон истиқлолини, конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа имкониятларини ҳимоя қилади.

(ЎзА).

Биз ва ҳориж

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ ПОКИСТОНДА

Покистон «Табани» компаниясининг серқирра фаолияти савдо-тижорат доираларида яхши маълум. Унинг фирмаларида ишлаб чиқарилаётган замонавий кийим-кечаклар жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатлари бозорларида сотилмоқда. Мана, бир неча йилдирки, у республикамизда ҳам фаолият кўрсатаётир. «Табани» вакили Муҳаммад Аббос Хоннинг таъкидлашича, компаниянинг Ўзбекистонда режалаштираётган ишлари кўлами гоят катта. Улардан бири унинг ҳомийлигида «Тошкент—Карачи» ҳаво йўлини очиш, икки халқ, икки мамлакатни бир-бирига янада яқинлаштириш, муаммоларни биргаликда ечишга кўмаклашишдир.

Шу кунларда мазкур фирманинг Карачидаги кўпдан-кўп тижорат фирмалари, корхоналари ва идораларига кирсангиз кўзингиз даставвал компьютер экранларида акс этиб турган ўзбекча қуйидаги сўзларга тушади: «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Мустақиллик муборак бўлсин, азиз меҳмонлар!». Компьютерларни моҳирлик билан бошқараётган миллий либосдаги қизлар икки мамлакат ўртасида ўрнатилаётган ҳаво алоқаси билан боғлиқ ҳамма саволларингизга мулойимлик билан жавоб қайтаришади.

Бундан бир неча кун аввал Карачи шаҳрида «Тошкент — Карачи» ҳаво йўлини очишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ҳозирги мураккаб бозор шароитида жаҳон бозорига чиқишнинг гоят самарали воситаси — бу, шубҳасиз ҳаво йўлларидир. Миллий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари Ўзбекистон ва Покистон орасида уча бошлар экан, бу йўл халқимизни катта истиқбол йўлига олиб чиқувчи воситалардан бири бўлади.

Қарийб 10 миллион аҳоли истиқомат қилаётган Карачининг Файсал номли шоҳкўчасида жойлашган муҳташам бинолардан бирининг пештоқига ҳам «Ўзбекистон ҳаво йўллари» деган рангли лавҳа илиб қўйилган.

Тантанали маросимда Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпаниясининг расмий делегацияси иштирок этди. Делегацияга миллий авиакомпаниямиз раҳбари Ғани Мазитович Рафиқов раҳбарлик қилди. Маросимда шунингдек, бир гуруҳ адиблар — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, ҳафталик бош муҳаррири Ўринбосари Иброҳим Ғафуров, «Шарқ юлдузи» ойнома бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов, ёзувчи Дадахон Нурий иштирок этдилар. Адиблар «Табани» компаниясининг қатор корхоналарида, Покистоннинг етакчи рўзнома ва журналларида, Умумпокистон ахборот агентлиги марказида бўлдилар. Шунингдек, адиблар, журналистлар, тижоратчилар билан суҳбат қурдилар. Меҳмонлар ва мезбонлар иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси билан «Табани» компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбарияти ўртасида тузилган шартномага асосан ҳафталик кейинги пайтларда «Табани» фаолиятини мунтазам ёритиб келмоқда. Мазкур ташриф чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга келишиб олинди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТОШКЕНТ. Меҳр-шафқат ва саломатлик республика жамғармасига Америка Қўшма Штатларидан «Умид» дастури бўйича ёрдам келди. Бугунги кунда турли касалхоналарга бу моддий ёрдам тарқатилиб, беморлар ўз дардига шифо топмоқдалар. Суратларда: моддий ёрдамни ажратиш ва турли касалхоналарга йўллаш пайтидаги лавҳалар акс эттирилган.

А. ГОРОКРИК суратн (ЎзА).

НУҚТАИ НАЗАР

ТИЛИМИЗГА МОС АЛИФБО

Ёзув — инсон ақл-заковатининг энг буюк кашфиётларидан бири, фикр алмашувда масофа ва вақт тўсиқларини енгишнинг асосий воситаси. Шу билан бирга ёзув маданийлик омили, маданият ифодаси ҳамдир. Шунинг учун ҳеч бир халқ, ҳеч бир давлат ёзувига бефарқ қарамаган, бефарқ қарамайди. Маданият шакллари тарихий бўлгани каби, ёзув ҳам тарихий ҳодисадир. Ёзув бирдан кашф этилмаган. Ҳозирги ёзувлар узоқ тарихий тараққиёт маҳсулидир.

Ёзув маданиятининг асосини, тамал тошини алифбо ташкил этади. Алифбо қанчалик пухта ва изчил бўлса, ёзув маданияти шунчалик мукаммал бўлади. Бизнинг аждодларимиз қадимда руник, уйғур, сўғд, хоразм ва бошқа алифболардан, бир неча юз йил давомида араб алифбосидан фойдаланди. Асримизнинг ўттизинчи йилларида лотин ёзуви асосида тузилган алифбо қўлланган бўлса, 1940 йилдан кейин кириллча ёзув асосида тузилган алифбо қўллана бошлади. Бу ёзувларни қиёслаб ўрганиб, бир ёзувдан иккинчи ёзувга ўтиш сабабларини аниқлаш ва бундан холисона тўғри хулосалар чиқариш ўзбек маданиятининг тарихи учунгина эмас, балки маънавиятимиз, фанимиз, ақлий тараққиётимиз келажаги учун ҳам беқиёс муҳим аҳамиятга молик эканлигини англаш қийин эмас.

Академик Э. Юсуповнинг «Мустақиллик ва ўзбек ёзуви муаммолари». («Халқ сўзи», 1992 йил, 5-сон) номли мақоласида араб, лотин ва кирилл ёзувларини бир-бирига таққослаб, лотин алифбосига ўтиш ҳар жиҳатдан тўғри ва ўринли бўлишини исботлади.

Кирилл ёзувига асосланган алифбо тўғрисидаги баҳслар шу алифбо жорий этилган вақтдан буён давом этиб келади. Сўнгги пайтларда бу баҳс тамомила бошқача тус олди: кириллча ўзбек алифбоси бир неча марта ислоҳ қилинди, лекин кутилган натижага эришиб бўлмади: энди бу алифбодан воз кечиш керак, деган қаноат баён этила бошлади. Э. Юсуповнинг мақоласида бу қаноат сиёсий шаклда ифодаланди: «Мустақиллик қўлга киритилиб, эски миллий сиёсатга чек қўйилгандан кейин бизга сунъий равишда киритилган «кириллицанинг ҳам умри тугамоғи зарур».

Рус ёзуви асосидаги ўзбек алифбосининг тақдири масаласида муайян аниқлик вужудга келган бўлса ҳам, лекин унинг ўрнига қайси алифбони жорий этиш масаласида бирмунча баҳсли тортишув бор. Баъзи кишилар араб ёзувига қайтишни тавсия этса, баъзилар лотин ёзувига ўтишни таклиф қилди. Бу баҳсда у ёки бу тарафнинг кўнглига қараб эмас, (бу омилни эътибордан соқит қилиш мумкин бўлмаса ҳам), балки илмий далилларга, соғлом ақлга таяниб фикр юритилсагина тўғри, одил хулосага келиш мумкин. Акс ҳолда яна хатога йўл қўйилиб, орадан кўп ўтмай бу хатони тузатиш тарадудига тушиб қолиш ҳеч гап эмас.

Алифбонинг мукаммаллигини, изчиллигини аниқлашга имкон берадиган ягона мезон бор. Бу мезон — тил, аниқроғи муайян халқ, миллат тили заминида юзага келадиган умумий гаплашиш йўсини. Алифбо табиий тилнинг, табиий нутқнинг акси, сурати, ёзма кўринишидир. Бошқача қилиб айтганда, тил бирламчи, ёзув иккиламчидир. Тил ёзувга эмас, аксинча ёзув тилга мослаштирилади. Бундан келиб чиқадиган ягона хулоса шуки, табиий тилга, табиий нутққа қанчалик яқин, ўхшаш бўлса, ёзув шунчалик мукаммал, пухта бўлади.

Агар биз ўзбек ёзуви тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу таянч ғояга асосланишидан кўра ундан чекиниш ҳолларига кўпроқ дуч келамиз. Араб алифбоси жорий этилганда арабча сўзларнинг ёзма шаклини (айни пайтда талаффузини) ўзи қандай бўлса шундай акс эттиришга алоҳида эътибор берилганини биламиз. Бунинг оқибатида туркийда учрамайдиган, лекин туркий тилларга ўтган арабча сўзлар таркибида келадиган товушларни ифодаловчи ҳарфлар ҳам туркий араб алифболарига киритилди. Бу ҳарфлар 1924 йилда ўзбек алифбосидан чиқарилди. Шундан кейин ҳам араб ёзуви асосидаги алифбо билан ўзбек тили товуш маромлари орасида уйғунлик юзага келмади.

Кириллча алифбо жорий этилганда русча сўзларни аслига мослаб ёзиш ва талаффуз қилишга алоҳида аҳамият берилди. Натижада ўзбек тилига хос бўлмаган ҳодисаларни билдирадиган е, я, ё, ъ, ь, ц каби ҳарф ва белгилар ўзбек алифбосига кириб қолди. Кириллча ўзбек алифбосида булардан бошқа қусурлар ҳам бор. Лекин ҳозир биз алифбонинг бош талабидан чекиниш ҳолларига тўхталдик.

Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтиш туркий халқларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг маданий-маърифий уйғониши билан боғлиқ бир ҳаракат сифатида юзага келди. Бу ҳаракат намояндалари ўзбек алифбосини бошқа бир тил алифбосига мослаб тузиш йўлидан эмас, балки ўзбек тили товуш маромига мослаб тузиш йўлидан бордилар. Шу билан бир қаторда, ўзбек «лотинчилари» ўз фаолиятларга мослаштирилиши шарт қилиб қўйилди. Бу талабни бутун тўлалиги билан амалга ошириш маълум даражада миллий алифболарда тўсиққа учради. Ана шундай тўсиқлардан бири алифболардаги миллий талаффузга мос товушларни ифодаловчи ҳарфлар эди. Шунинг учун бундай ҳарфлар иложи борича камайтирилди, баъзилари алифболар таркибидан чиқариб ташланди. Юқорида кўрсатилган уч ҳарф ана шундай бадарға қилинган ҳарфлар жумласидан эди.

Лотинча ўзбек алифбосини байналмилаллаштиришга, яъни унинг таркибидаги ҳарфларни миқдор ва вазифа томонлардан рус алифбосига яқинлаштиришга уриниш кейинчалик давом эттирилди. Бир гуруҳ олимлар 1938 йилда лотинча ўзбек алифбосининг учинчи лойиҳасини тайёрладилар. Ҳарфлар лойиҳада рус алифбоси сирасига ўхшатиб жойлаштирилди.

Бу нусханинг яна бир муҳим хусусияти бор: лойиҳага айириш белгиси (апостроф) киритилмади.

Лойиҳа рус алифбосига имкон борича яқинлаштирилган бўлса ҳам, лекин қўлланишга татбиқ этилмади. Бунинг сабаби шундаки, бу вақтга келиб рус ёзуви асосидаги алифбога ўтишга узил-кесил қарор қилинган ва бу йўналишда амалий-ташкилий ишлар кенг кўламда бошлаб юборилган эди. Ҳозир биз рус ёзуви асосидаги алифбога ўтиш қандай амалга оширилгани ва бунинг қандай оқибатларга олиб келгани тўғрисида гапирмаймиз.

Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосининг яна бир лойиҳаси — тўртинчи нусхаси ҳам бор. Биз лотин ёзуви асосидаги озарбайжон, қрим-татар, қумиқ, қорачой-болқор, нўғой, татар, бошқирд, туркман, уйғур, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, ҳакас, якут, тува ва бошқа туркий алифболар лойиҳалари бақамти тузилган лойиҳани кўзда тутяпмиз. Бу лойиҳанинг афзал томони шундаки, биринчидан, лойиҳага ортиқча ҳарф ва белгилар киритилмади, иккинчидан, лойиҳа бошқа туркий лотинча алифболарга ўхшатиб тузилди, учинчидан ҳарфларнинг ҳаммаси бир манбадан лотин алифбосидан олинди.

Ушбу лойиҳада ҳарфларнинг кўпчилиги вазифа нуқтаи назаридан юқорида саналган лойиҳалардаги ҳарфлардан деярли фарқ қилмайди. Бу ҳарфлар лотинча ўзбек алифбосининг асосини ташкил этади.

Лотинча ўзбек алифбосининг учинчи нусхасида айириш белгисидан воз кечилгани тўғрисида юқорида ёздик. Айириш белгиси, шунингдек юмшатиш белгиси ўзбекча (туркий) талаффуз учун хос хусусият бўлмагани учун, биз ҳам бу белгиларни ушбу лойиҳага киритмасликни маъқул топдик.

Иристой ҚУЧҚОРТОЕВ,
Адҳам АЛИМБЕКОВ,
Жўра ХУДОИБЕРДИЕВ.

ЖАРЧИНОМА

МАРҲАМАТ, ҚУЛОҚ СОЛИНГ,
ЭШИТГАНЛАР ДАРМОНДА,
ЭШИТМАГАНЛАР АРМОНДА!

«Ўзбекистон овози» рўзномаси шу кун, шу сондан бошлаб ота-боболаримиз даврларидан элга тўй-томошаларни, фармону янгиликларни эл-юртга етказиб келган Жарчилар руҳи олдида таъзим этиб, «Жарчинома» лавҳасини очади.

Хонимлар ва жаноблар, қадрли дўсту ўртоқлар, биродарлар:

Жарчилик — қадимий ноёб касблардан.

ЖАРЧИ:

— Тўй-ҳашамга, маросимларга чорлайди
— Молу-маҳсулотингизни таърифлайди
— Ишхонангиз, жамоангизни элга танитади, шуҳратингизни оширади,
— таъзиянгизни етказади

«Ўзбекистон овози» рўзномасидаги «Жарчи» хизматидан фойдаланинг.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАРНИ ТЎППА-ТЎҒРИ ШУ ЕРГА ОЛИБ КЕЛАВЕРИНГ.

Овозингизни бирданига 400 минг киши эшитади. Ўзбекистон Республикасининг барча шаҳар ва қишлоқларида, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистонда, Америка Қўшма Штатлари, Туркия ва Олмонияда, Англия, Хитой ва Афғонистонда муштарийларимиз бор.

«ЖАРЧИНОМА» ХИЗМАТИНГИЗГА ҲАМИША ТАЙЁР.

Манзилимиз: Тошкент-83, Ленинград кўчаси, 32-уй. 3-қават. 314 хона. Тел: 32-55-70.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
кафедралар бўйича
профессор-ўқитувчилар таркибидаги
БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: XX аср сиёсий тарихи, муҳандислик графикаси, автомат электр алоқаси, дискрет маълумот узатиш, алоқа линиялари;

доцентлар: сиёсий иқтисод ва сиёсатшунослик, фалсафа, олий математика, физика (2), муҳандислик графикаси, электрзанжирлар назарияси, алоқа техникасидаги ўлчовлар, автомат электр алоқаси;

катта ўқитувчилар: XX аср сиёсий тарихи, сиёсий иқтисод ва сиёсатшунослик, фалсафа, олий математика, тиллар (ўзбек тили шўъбаси), жисмоний тарбия, электр занжирлар назарияси (2), йўлдошли ва радиорелели алоқа системалари (2), радиоприёмник қурилмалари;

ассистентлар: сиёсий иқтисод ва сиёсатшунослик, алоқа корхоналарини режалаштириш иқтисоди ва уни ташкил қилиш (2), олий математика, ҳисоблаш математикаси (4), физика (2), электр занжирлар назарияси, техникавий электродинамика ва антенналар, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар, рақамли техника ва электр алоқасини бошқарув тизимлари (2), кўпканалли электр алоқаси, электрон-квантли асбоблари;

ўқитувчилар: чет тиллар, тиллар (ўзбек тили шўъбаси) — 2, жисмоний тарбия (2).

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй.

КОНВЕРСИЯЛАНАДИГАН ВАЛЮТАНИНГ ЭРКИН МУОМАЛАДА ЮРИТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

«Интурист»нинг Тошкент шаҳридаги бўлими жаҳоннинг исталган мамлакатига мароқли саёҳатга чиқишни тавсия этади.

Сиз бирон бир гуруҳ таркибида ёки якка тартибда чет эл сафарига чиқишингиз мумкин. Биз жуда кўпчиликка манзур бўлган турли хил йўналишларни тавсия этишимиз мумкин.

Эркин муомаладаги валюта ва сўмларда ҳақ тўланади.

Буюртмалар бериш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Совет кўчаси, 2-уй, «Интурист» маданий-ахборот маркази, 21, 23-хона.

ТЕЛЕФОН: 33-04-57.

«Интурист» воситасида Сиз чинакамига саёҳат қилишингиз мумкин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Уруш ва меҳнат ветеранлари Республика, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри кенгашлари партия ва меҳнат ветерани, гражданлар уруши қатнашчиси, шахсий пенсионер

Ҳасанбой Умарович УМАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи маъмурияти ва жамоаси олий билимгоҳ доценти А. Икромовга отаси

Охунжон ИКРОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узмясомолторг» Гўшт ва сут маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилувчи Республика идораси жамоаси идора бошлиғининг ўринбосари С. У. Назаровга рафиқаси

Муҳаббат Тўрабоевна НАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

• СПОРТ

МУКОФОТИ КАТТА

● ШАХМАТ тожи учун ҳал қилувчи учрашув келаси йилнинг 14 август — 7 октябрь кунлари Лос-Анжелес шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Агар жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ўз унвонини яна бир бор сақлаб қолгудек бўлса, тўрт миллион долларли мукофот эгаси бўлиши мумкин.

МУНОСИБ ДАЪВОГАР

● РЕСПУБЛИКАМИЗ моҳир спортчилари ёзги олимпиада ўйинларига даъвогарлар сафидан ўрин олишга интилмоқдалар. Моҳир гимнастикачи, тошкентлик Оксана Чусовитина яна бир бор ўзини кўрсатди. У Москвада бошланган МДҲ кубоги учун мусобақада мажбурий дастур бўйича чиқишларда 38,75 балл тўплаб, пешқадамлик қилмоқда.

• Ҳодиса

ПИЧОҚДАН ЧЎЧИМАДИ

Тўқимачилик район ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси оператив ходими, милиция лейтенанти Одил Самадов шаҳардаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлардан бирида икки йилдан бери қидирилаётган талончи ва босқинчи «Лалеш» лақабли С. Х.ни тасодифан кўриб қолди.

«Лалеш» милиционернинг биргаликда бўлимга бориш тўғрисидаги буйруғига жавобан истеҳзоли кулиб, ёнидан пичоқ чиқарди:

— Жонингдан умидинг бўлса, яхшиликча жўнаб қол! — деди у.

Одил Самадов пайт пойлаб, жиноятчини зарарсизлантириш, унинг қўлидан пичоқни тортиб олишга уринди. Лекин пихини ёрган талончи эпчиллик қилди. Пичоқни зарб билан милиционерга санчди-ю, ўзи қоча бошлади. Эрталаб соат тўққизлар атрофи бўлгани учун кўча гавжум эди. Воқеа одамлар кўз ўнгида рўй берди. Одилжон тирқираб оқаётган қондан кўнгли беҳузур бўлиб, йўловчиларга мурожаат қилди:

Одамлар бефарқ эди. Ҳа бироятаси Одилжонга ёрдамга келди, на жиноятчини ушлашга ҳаракат қилди.

Милиция лейтенанти сўнгги чорани қўллашга мажбур бўлди. Огоҳлантириш учун ҳавога ўқ узди, сўнг эса қочиб бораётган «Лалеш»ни нишонга олиб тепкини босди.

«Лалеш» шаҳар касалхонаси реанимация бўлимида, жиноят қидирув оператив ходими эса госпиталда даволанмоқда. Уларнинг бирини суд қора курсиси, иккинчисини эса хизматдаги жасорати учун мукофот кутмоқда.

Бухоро

И. САФАРОВ,
ЎзА мухбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 37

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.